

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ШУХРАТ АБДУШУКУРОВИЧ

**СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ГЛОБАЛ МИҚЁСДА
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам

Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences

Махмудов Шухрат Абдушуккурович

Сиёсий технологияларнинг глобал миқёсда ривожланиш тенденциялари 3

Махмудов Шухрат Абдушуккурович

Тенденции развития политических технологий в глобальном масштабе 23

Makhmudov Shukhrat Abdusshukurovich

Development tendencies of political technologies in global terms 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of publications 45

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ КОШИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.20/13.05.2020.Ss.23.03
РАКАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАХМУДОВ ШУХРАТ АБДУШУККУРОВИЧ

СИЁСИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ГЛОБАЛ МИҚЁСДА
РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Сисёи фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В 2021.2.Phd/Ss274 (B2019.2.Phd/FAd27) рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажаришган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Давлат бошқаруви академияси веб-сайтида (www.dfa.uz) ва «Ziyou» ахборот-таълим порталига (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исламов Илёт Нормаматович
тарих фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Юлдашев Анавар Эргашевич
тарих фанлари доктори, профессор

Жўраев Қолпир Асадович
сисёи фанлар доктори, доцент

Етафқи ташкилот:

Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети

Диссертация химикси Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси илмий даражалар беруви DSc.20/13.05.2020 Ss.23.03 рақамли илмий кенгаш 2022 йил «25» янватор кунин соат 14:00 даги мажлисида бўйиб ўтати. (Манзил: 100066, Ташкент ш. Исом Каримов кўчаси, 45, 5-кават, 505-хона Тел: 71 2326047).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин (93 - рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Ташкент ш. Исом Каримов кўчаси, 45, 5-кават, 505-хона. Тел: 71 2326047.

Диссертация автореферати 2022 йил «11» янватор да тарқатилган.

(2022 йил «11» янватор даги рақамли респстр баённомаси)



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутунги кунда жаҳон миқёсида сисёи жараёнлари бошқариш, сисёи тизимни мустаҳкамлаш ва уни барқарор ривожлантиришда демократик тараккиёт йўлини танлаган давлатлар тажрибаларига таяниш тенденциялари кузатилмоқда. Ҳусусан, сисёи технологияларни жараёнларга жорий этиш орқали ташқи ва ички сисёининг самардорлигини ошириш, сисёи жараёнларни тартибга солиш ҳамда барқарорлигини таъминлашга эришиш мумкинлиги объектив заруриятга айланган. Шу сабабли кейинги йилларда ахборот мақонининг глобаллашиб бораётганлиги, сисёи жараёнларда ахборот-коммуникация технологияларининг фаол қўлланилаётганлиги сисёи технологиялар қўлланининг янада кенгайишига олиб келди.

Дунё илм-фанида сисёи технологияларни ривожлантиришнинг сисёи ва ҳуқуқий жиҳатларини талқик этиш, мақсадларга эришиш йўлида турли глобал сисёи технологиялардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ҳарб давлатларда «сисёи технологиялар» тушунчаси илмий мумолага кириб келганлигига, бир асрдан ортиқ вақт ўтди. Хорижлик олимлар томонидан ишлаб чиқилган сисёи технологиялар нафкат маълум бир давлат ичилиги, балки халқаро доирадаги сисёи жараёнларга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатишда қўлланилмоқда. Глобал сисёи технологияларнинг моҳиятини чуқур ўрганиш, уларни илмий манфатларимиз нуктаи назаридан баҳолаш ва ижтимоий-сисёи жиҳатдан таҳлил қилишга оид талқикотлар буғунги кунда муҳим ўрни тутати.

Мамакатимизда илмий давлатчилигимиз, мустақиллигимиз, ақолининг тинч-осойишта ҳаёти ва ҳафсизлигини сақлаш энг устувор вазифалардан бири ҳисобланган. «Айни вақтда дунёнинг баъзи минтақаларида нозага келган нотинч вазият аҳоли миғрасиси кучайишига, бу эса, ўз навбатида, терроризм ва экстремизмининг тарқалишига ҳамда уларнинг глобал муаммолардан бирига айланишига олиб келмоқда». Бу кади муаммоларни бартафр этиш Ҳарб давлатлари томонидан қўлланилаётган сисёи технологияларни аниқлаш, тизимли таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг сисёи жараёнларга салбий таъсирининг олдини олиш бўйича янгича ёндашувларни талаб этиди ҳамда бу технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини талқик этишнинг долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ва 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги ПК-4307-сонли «Маънавий-марифий ишлар самардорлигини ошириш

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлиси Мурожаатномаси // 2017 йил 22 декабрь. <http://www.uz/62/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shaykasi-pitguzeevning-olyu-22-12-2017> (мурожаат қилинган сана 2018 йил 18 август).

бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»¹ти Қарори ҳамда мавзуга оид бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация талкиоти муайин даражада хизмат қилади.

Талкиотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация талкиоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг ИТД-2 «Демократик ислохотларни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сиёсий жараёнларда сиёсий технологияларни қўллаш масаласи қадимдан файласуф ва сиёсатчиларнинг илмий талкиот мавзуларидан бири бўлиб келган. Қадимти юнон файласуфлари, Шарк ва Ғарб мутафаккирларининг сиёсий ҳаётда самарадорлиққа эришиш ҳақидаги қарашлари ўзига хос ривожланиш йўлини босиб ўтиб, давр талабларини ўзида мужассам этмоқда.

Шарк мутафаккирларининг давлатни оқилона бошқариш ҳақидаги асосли фикрлари мавжуд. Бу борада Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Абу Наер Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» ва Низомулмулкнинг «Сиясатнома» ёки «Сияр ул-мулк» асарларини қайд қилиш ўринлидир. Бундан ташқари, Ҳитой мутафаккирлари Конфуций, Лао-цзи ва Сунь-цзиларнинг қарашлари бугунги Ҳитойнинг «юмшоқ куч» сиёсатида муҳим аҳамиятга эга.

Қадимти даврлардан маълум бир сиёсий мақсадларга эришишда турли усул ва услублар қўлланиб келинган, қадимти юнон мутафаккирлари Платон ва Аристотелнинг қарашларида давлатни сиёсат орқали бошқариш масалалари илгари суртилган².

Глобаллашув жараёнида қўлланилаётган сиёсий технологияларнинг турли жиҳатлари хорижлик олимларда Ш. Бреслин, М. Вебер, К. Ванер, аксини топган. Британиялик талкиотчилар Б. Рассел ва Дж. Херзарнинг даврни бошлаб берганлиги ва давлатларро ўзаро тийиб туриш омилита айланганлигини ядровий инкилоб мисолида кўриш мумкинлиги кўрсатилган. Дж. Шарпинг «Диктатурадан демократияга» номи асарида сиёсий технологиялар имкониятларидан фойдаланиб давлат тўғрисида сиёсий ошириш услублари мантйкий кетма-кетликда баён қилинган³.

МДХ мамлакатлари олимлари М.Г. Анохин, П. Васильева, О.Е. Гришин, А.Г. Дугин, Е.Б. Маликин, Е.Б. Сучков, Г.Г. Почепцов, А.И. Соловьев ва О.Ф. Шабровларнинг талкиотларида сиёсий технологияларнинг умумназарий масалалари ёритилган. О.Г. Леонова, Э.Д. Мехиев, М.А. Неймарк, В.В. Огнева, Е.Г. Пономарева, Г.А. Рудов, К.Е. Федотовларнинг илмий мақолалари глобал сиёсий технология

сифатида «юмшоқ куч» тушуначаси, унинг шакли ва турларига бағишланган. Бундан ташқари, сиёсий технологияларнинг Интернет тармоғи билан боғлиқ жиҳатлари Г.Л. Ақонов, А.Н. Балашов, А.Э. Гапич, О.И. Досенков, М.А. Шенниковлар томонидан алоҳида таҳлил қилинган¹.

Мамлакатимизда сиёсий жараёнлар, ахборот-коммуникация технологияларини ривожланиши, миллий хавфсизликни таъминлашнинг турли жиҳатлари, миллий анъаналар ва миллий ўзига хослик асосида сиёсий тизимни такомиллаштиришга доир ислохот масалалари К. Куранбаев, М. Қирғизбоев, А. Жашилов, Ш. Пахрутдинов, Т. Жўраев, Р. Жўмаев, Ж. Мавлонов, Р. Самаров, А. Юлдашев ва бошқа шу каби олимлар томонидан талкиот этилган².

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг, сиёсий жараёнларда сиёсий технологияларни қўллаш масалаларини илмий талкиот қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, О. Алпаров, Н. Умарова, У. Исломобеков, И. Исламов, Э. Ибрагимов, Д. Қаримов, А. Мадаминов, Ф. Низомов, Ш. Таджиев, С. Ҳамидов ва О. Юлдашевларнинг изланишларида, сиёсий технологияларнинг ўзига хос жиҳатлари маълум даражада ўзифоласини топган³.

Мавзуга оид манбалар таҳлили сиёсий технологиялар муаммоларига бағишланган бир қатор илмий ёндашулар мавжудлигини кўрсатди. Уларда глобал сиёсий технологияларнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Шу билан бирга, сиёсий технологияларни сиёсий жараёнларга татбиқ этиш бўйича республикамиз олимлари томонидан муайян ишлар амалга оширилган бўлса ҳам, уларнинг генезиси, назарияси ва амалиёти, миллий манфаатларимизга таъсири етарли даражада ўрганилмаган. Сиёсатшунослик фани олида турган долзарб вазифалардан бири, ҳозирги кунда сиёсий жараёнларда кенг қўлланилиб келинаётган сиёсий технологиялар, жумладан, глобал сиёсий технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини очиб бериш ҳисобланади. Бу эса мазкур йўналишда назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган тизимли илмий талкиотларни амалга оширишни талаб этади.

Талкиотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-талкиот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университетининг илмий-талкиот ишларининг 2016-2021 йилларга мўлжалланган «Илмий талкиот фаолиятини ривожлантириш ва илмий салоҳиятни оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар дастури» доирасида бажарилган.

Талкиотнинг мақсади глобал сиёсий технологияларнинг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил қилиш, миллий манфаатларимиз нуктан назаридан баҳолаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш бўйича амалий тақсиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган нбонат.

¹ Мазкур талкиотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.
² Мазкур талкиотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.
³ Мазкур талкиотчилар асарлари диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да берилган.

Тадкикотнинг вазифалари:

сиёсий технологияларнинг шаклларида бири сифатида «глобал сиёсий технологиялар» ва уларга оид тушунарларни илмий таҳлил қилиш ҳамда туб моҳиятини очиб бериш;

жамиyat таракқиётида глобал сиёсий технологияларнинг ривожланишига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни аниқлаш;

глобал сиёсий технологияларни таснифлаш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш;

ҳалқаро терроризм ва диний экстремизмни бузувчи глобал сиёсий технология сифатида тадқиқ этиш;

«номшук қуч» глобал сиёсий технологиясидан ташқи сиёсатни амалга оширишда мақсадли фойдаланиш заруриятини асослаш;

илмий манфаатларимизга мос келадиган сиёсий технологияларни самарали қўллаш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадкикот объектлари глобаллашув жараёнида қўлланилатган сиёсий технологиялар тизими таъкил этади.

Тадкикотнинг предмети глобал сиёсий технологияларни амалга ошириш механизмлари ва қонуниятлари, уларни ривожланиш тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларга оид ёндашувлардан иборат.

Тадкикотнинг усуллари. Диссертацияда тарихийлик, маънавийлик, анализ ва синтез, контент таҳлил, киёсий таҳлил, моделлаштириш, прототиплаш каби усуллар ҳамда тизимли ёндашувдан фойдаланилган.

Тадкикотнинг илмий натижаси

глобал сиёсий технологияларнинг қўллаш натижасида юзга келадиган таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилиб, уларни олдини олиш бўйича сиёсий-хукукий механизмларини такомиллаштириш зарурати асосланган;

Ўзбекистоннинг имижини мустаҳкамлашда глобал сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш орқали мамлакатимиз ён-атрофида ҳавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантиришга эришининг ижтимоий, маданий йўналишларининг ўстуворлиги асосланган; шахсни сиёсий ижтимоийлаштириш ва сиёсий ҳайрихоҳлигини ошириш орқали глобал сиёсий технологияларнинг салбий таъсирини минималлаштириш асосида ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш асосланган;

глобал сиёсий технологияларнинг ривожланиб бориш тенденцияларини илмий манфаатларимиз нуктадан назардан мониторингини амалга оширишнинг концептуал модели субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида такомиллаштирилган.

Тадкикотнинг амалий натижаси

глобал сиёсий технологиялар орқали мамлакатимиз иимжини ошириш, ҳавфсизлик ва барқарорлик муҳитини шакллантириш, тарихий маданий бойликларини тарғиб қилиш ва туризм салоҳиятини ошириш каби масалалар асослаб берилган;

Интернет тармоғида амалга оширилаётган глобал сиёсий технологиялар сифатида ижтимоий тармоқлар, ҳалқаро терроризм, диний экстремизм ва сепаратизм каби бузувчи технологияларнинг ўзига хос жиҳатлари кўрсатилган;

«номшук қуч» глобал сиёсий технологияси бўлган даврнинг асосий омиллардан бири эканлиги асосланган;

Ўзбекистоннинг илмий манфаатларига мос равишда сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадкикот натижаларининг ишончлилиги. Тадкикот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадкикот усуллари, ёндашувлар расмий манбаалардан олинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатидаги илмий журналларда эълон қилинган илмий мақолалар, республика ва ҳалқаро конференциялардаги чиқишлар, тадкикот юзасидан берилган хулоса, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадкикот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти тадкикотда илгари сурилган концептуал ғоялар ва умумназарий хулосалар тарих, ижтимоий ғалсафа, сиёсатшунослик, сиёсий технологиялар фанлари доирасида амалга оширилган тадкикотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадкикот натижаларининг амалий аҳамияти эса, диссертацияда илгари сурилган ғоялар, келтирилган маълумотлар, хулосалар ва тақлиф-тавсиялардан глобал сиёсий технологияларни амалиётга жорий этишда, сиёсий жараёнларга таъбиқ этишга оид дастурий ҳужжатларни тайёрлашда, шунингдек, «Сиёсий технологиялар» фанидан маъруза ва семинар машғулотлари, соҳага оид муассасалар учун ўқув-методик қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадкикот натижаларининг жорий қилиниши. Глобаллашув жараёнида қўлланилаётган сиёсий технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилиш натижалари асосида:

ижтимоий тармоқларда мавжуд бузувчи ғояларга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тизимини такомиллаштириш, глобал сиёсий технологиялардан фойдаланиб, мамлакатимиз имижини мустаҳкамлаш ва ҳалқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ролини ошириш ҳамда маданий бойликларини тарғиб қилиш ва туризм салоҳиятини ривожлантириш каби илмий-амалий тақлиф ва тавсиялардан Республика Мавнавият ва маърифат маркази фаолиятида фойдаланилган (Республика Мавнавият ва маърифат марказининг 2021 йил 12 мартдаги 02/07-244-сон маълумотномаси). Натижада мавнавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш маъмури такомиллаштирилган.

«Жаҳолатга қарши – маърифат» ғояси асосида терроризм ва экстремизмнинг замонавий кўринишлари ва фаолият усулларини ўрганиш, уларга қарши курашнинг илмий-маърифий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишда талкиот материаллари ва илмий-амалий тақлиф ва тавсиялардан Имом Бухорий халқаро маркази фаолиятида фойдаланилган (Имом Бухорий халқаро марказининг 2021 йил 1 июндаги 02/185-сон маълумотномаси). Натижада диссертациядаги назарий хулосалар марказда амалга оширилган талкиотлар учун мана вазифасини ўтатган ва маънавий-маърифий тадбирлар мазмунини бойитишга хизмат қилган.

Глобаллашув жараёнларида қўлланилатган сиёсий технологиялар бўйича билимлар ва сиёсий технологиялардан самарали фойдаланиш бўйича амалий тақлиф ва тавсиялар Самарқанд давлат музей-кўрикхонаси ташаббуси билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларга кенг таътиб этилган. (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириги маданый мерос департаментининг 2021 йил 8 июлдаги 01-05/1235-сон маълумотномаси).

Талкиот натижаларининг апробацияси. Талкиот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Талкиот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда мақола тарзда нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 139 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, талкиот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, талкиотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларида мослиги кўрсатилган, талкиотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, талкиот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, ишнинг апробацияси, эълон қилинганлиги ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Талкиотнинг «**Сиёсий технологияларни ўрганишнинг назарий-методологик жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида сиёсий технологиялар тушуначасининг мазмунини ва моҳияти ёритилган. Шунингдек, «глобаллашув» ва «сиёсий технологиялар» тушуначалари таҳлил қилинб,

улар асосида глобал сиёсий технологияларнинг шаклланиш жараёнини ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Хозирги даврда сиёсий манфаатларга мос равишда жамиятда кечадиган ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқариш ва назорат қилишда турли сиёсий технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Сиёсатшуносликда сиёсий технология терминини ўрганила бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, сиёсий технологияларнинг қўлланилиши узок ўтмишга бориб тақалди. Сиёсий технологиялар дастлаб тизимсиз ҳолда қўлланилган ва амалга оширишнинг аниқ механизми яратилмаган бўлса, кейинги йилларда сиёсий технологиялар такомиллашиб, уларга тизимли равишда ёндашиш ривожланиб бормоқда.

Диссертацияда «сиёсий технологиялар» тушуначаси бўйича келтирилган фикрларга асосланиб хулоса қилинган бўлсак, турли манба ва адабиётларда баён этилган таърифлар бир-бирита жуда ўхшашдир ва биз қуйидаги фикрга келдик: сиёсий технологиялар маълум бир сиёсий мақсадларга эришишда турли воситалардан фойдаланиб амалга оширилган усул ва услублар мажмуидир. Чунки хозирги вақтда сиёсий технологияларни амалга оширишнинг турли воситалар, жумладан Интернет коммуникациялар етакчи ўринга эга ҳисобланади.

Сиёсий технологиялар кишиларнинг сиёсий ҳуқ-атворига таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади. Бу аксарият ҳолатларда манипулятив ва яширин тарзда, кўпинча омманинг салбий ҳис-туйғуларни кўзатишга ҳам қаратилган бўлади. Бундай ҳолатларни ўз вақтида аниқлаб, тежкорлик билан баргараф этмаслик, жамиятда барқарорликни издан чиқариш ва бир катор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу боисдан ҳам, сиёсий технологияларнинг амалга ошириш механизмларини ўрганиш сиёсий рақиблар томонидан қўлланиладиган технологияларнинг салбий таъсирларидан сақланиш имконини беради.

Хозирги вақтда сиёсатшунос олимлар орасида «сиёсий технология»ларни талкиот этишининг янги бир босқичи бошланди. Авваллари сиёсий технологияларни қўллаш локал характер касб этиб, маълум бир давлат ёки минтақа ҳудудида қўзланган сиёсий натижага эришишда қўлланилган. Бугунга келиб сиёсий технологияларни қўллаш доираси анча кенгайиб глобал сиёсий технологияларга айланиб бормоқда.

XXI асрга келиб дунёдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ўзига хос тарзда ривожланиб бормоқда. Сиёсий жараёнлар самаралорлигини оширишда қўлланиладиган сиёсий технологиялар илмий доираларда тўлиқ ва асосли муомалага киритилди. Глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви мажбур технологиялардан фойдаланиш масштабини янада кенгайтирди, унинг янги шаклларида бири «глобал сиёсий технологиялар»ни юзата чиқарди.

Глобал ахборот маконининг юзата келганлиги айрим ривожланган мамлакатларнинг сиёсий технологияларни нафақат ички сиёсатда, балки ташқи сиёсатда ҳам қўллашларида зарур шарт-шароитларни яратди. Бу ҳодисанинг иккита асосий сабабини кўрсатиш мумкин.

Биринчидан, бу глобализация жараёналари билан боғлиқ бўлиб, шубҳасиз, у сиёсий соҳага ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Сўнги пайтларда халқаро муносабатлар ривожланиб мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам у ёки бу мамлакатда содир бўлаётган сиёсий жараёнлар бошқа давлатлардаги вазиятга ҳам жиддий таъсир қилмоқда. *Иккинчи сабаб* – бу техник тараккиёт бўлиб, натижада ахборот алмашинуви ва коммуникацияни амалга ошириш учун ҳечқиз имкониятларни юзга келтирди.

Диссертацияда сиёсий технологияларнинг глобал даражада ривожланиб боришига имкониятлар яратган омиллар ҳам ўрганилган.

Глобал ахборот макони барча сиёсий муносабатлар субъектлари учун ўз сиёсий технологияларини қўллаш йўлида кенг имкониятлар ярата олади. Халқаро муносабатларнинг асосий субъектлари бўлган давлатларнинг бир-бирларига боғлиқлиги ёки бир давлатда юз берган сиёсий воқеалар турли кўринишларда бошқа бир давлатларда ҳам айнан ёки ўхшаш тарзда тасвирланиши кузатишмоқда.

Технологик тараккиёт туфайли ахборот айланиши жараёнининг тезлашуви ҳам глобал сиёсий технологиялар қўлланининг кенгайишига замин яратди. Шундай қилиб, глобал сиёсий технологиялар миллий даражадаги сиёсий технологиялардан ажралиб чиқди ва давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятида ўз аксини топа бошлади.

Глобал сиёсий технологиялар маълум бир сиёсий акторлар томонидан глобал микёсда ёки икки ва undan ortiq давлатда юз берётган сиёсий воқеаларга таъсир кўрсата оладиган ва шу орқали муайян бир сиёсий максатларга эришишда қўлланилувчи технологиялардир.

«Глобал сиёсий технологиялар» мураккаб ва кенг камровли тушунча бўлиб, мазкур тушунчанинг таърифини ишлаб чиқиш мақсадида undagi ўзак сўз бўлган «глобализация» тушунчасига нисбатан ёндашувлар таҳлил қилинган.

Сиёсий технологияларнинг янги йўналиши сифатида ривожланиб бораётган глобал сиёсий технологияларни таърифлаш борасида ягона нукта назар ва ёндашувлар етарли даражада шаклланишнинг таъкидлаш лозим. Диссертацияда амалга оширилган таҳлиллardan келиб чиқиб, глобал сиёсий технологияларнинг қуйидаги ўзига хосликлари аниқланди:

1. *Глобал сиёсий технологиялар* маълум бир сиёсий субъектлар (акторлар) томонидан амалга оширилади;

2. *Сиёсий максатларга* хизмат қилувчи методлар орқали амалга оширилади;

3. *Глобал сиёсий технологияларни амалга оширишда Интернет тармоғи асосий восита* ҳисобланади;

4. *ОАВ ва Интернет тармоғида тарқатилаётган сиёсий максатлар* яширилган маълумотларга аҳоли шикоятланади.

5. *Халқаро ёки маълум бир минтақа микёсидаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатилади.*

Тадқиқотимизда глобал сиёсий технологияларнинг ўзига хос хусусиятларига таъниб унинг таърифи ишлаб чиқилди. *Глобал сиёсий технологиялар* маълум бир сиёсий субъектлар томонидан ўз манфаатларини амалга ошириш мақсадида ахборот-коммуникация воситалари имкониятларидан фойдаланиб, глобал даражадаги сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатишда ишлатиладиган услубларнинг мажмуидир.

Сиёсий технологиялар сиёсий ҳокимиятни шакллантириш ва унинг фаолиятини ривожлантириб бориш билан бир каторда глобализация жараёнининг таъсири остида кенг микёсда қўлланиладиган универсал технологияларга айланиб бормоқда. Бу эса ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда унинг турлари, сиёсий жараёнларда қўлланилиши ва амалга ошириш услубларини таснифлашнинг такозо этади ҳамда мазкур йўналишни чуқур таъкид қилиш имконини беради.

Амалга оширилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, глобал сиёсий технологияларнинг икки жиҳати, яъни жамиятдаги барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши ёки жамиятни бекарорлаштиришга ҳам олиб келишда фойдаланиш мумкинлиги ўз исботини топди. Шу бос мазмун ва мақсадида кўра уларни конструктив (ижобий) ва деструктив (салбий) глобал сиёсий технологияларга ажратиб ўрганиш, бутунги куннинг долзарб муммосидир.

Конструктив (ижобий) глобал сиёсий технологияларга умумбашарий муаммоларни сиёсий музокаралар йўли билан ҳал этишда ишлатиладиган сиёсий технологияларни ўз таркибига олади. Бунга глобал экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш каби бир катор технологияларни киритиш мумкин.

Мутахассислар томонидан халқаро терроризм, миллатчилик, профессионал низолар, кибербурушлар, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмаси ва бошқа шунга ўхшаш трансмилий уюлган жиноятчилик турларини ривожлантиришда глобал микёсда қўлланиладиган сиёсий технологияларга деструктив (салбий) глобал сиёсий технологиялар сифатида эътироф этилади.

Амалда қўлланилишига қараб глобал сиёсий технологияларни қуйидаги гуруҳларга ажратилди:

Глобал интеграцион сиёсий технологиялар маълум бир бу давлатлар томонидан глобал масалаларни сиёсий йўл билан ҳал қилиш мақсадида турли глобал доирада фаолият кўрсатувчи тузилмаларни шакллантириш ва глобал муаммоларни биргаликда бартараф этишда қўлланиладиган услублар мажмуидир. Бунга БМТ, ШХТ, ЕХХТ каби халқаро ва минтакавий ташкилотларни мисол қилиш ўринлидир.

Глобал муаммоларни ечишга қаратишган сиёсий технологияларга халқаро даражадаги муаммоларни бартараф этиш ва сиёсий жараёнларни барқарорлаштиришга қаратилган технологияларни киритиш мумкин. Шунингдек, халқаро терроризм, экологик таҳдидлар, турли юкумли (коронавирус каби) касалликлар ва трансмилий уюлган жиноятчиликка

карши кураш бутун инсониятнинг муаммоси сифатида кун тартибига айланган.

Глобал сиёсий муаммоларга нисбатан дунё ҳамжамияти фикрини ўзгаришига қаратилган технологиялар. Бундай технологиялар глобал масалаларга ёндашадиган «глобал сиёсий инсон»ни шакллантиришга хизмат қилади.

Интернетда сиёсий технологияларни қўлланнинг осонлиги ва арзонлиги суъбектларнинг ўз сиёсий лойиҳаларини амалга ошириш харажатларини камайтиради. Табиийки, бундай ҳолат ушбу технологиялардан фойдаланувчиларнинг қўлайлишига асос бўлмоқда.

Глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва ахборот технологияларининг тараккиётидан яқин келажақда глобал сиёсий технологиялар ривожланишини ва уларнинг янги турларини ҳам пайдо бўлишини тахмин қилиш мумкин.

Диссертациянинг биринчи бўлида сиёсий технологияларнинг назарий-методологик жиҳатлари талқик этилди ва қуйидаги ҳулосаларга келинган:

- ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши ахборотларни алмашинув даражасини оширди ва унинг қўламини янада кенгайтирди. Бу ўз навбатида, сиёсий-ижтимоий жараёнларда катта ўзгаришларга олиб келмоқда, жумладан, сиёсий технологиялар шаклларида бири сифатида «глобал сиёсий технологиялар»нинг ҳам вуҷудга келишига шарт-шароитлар яратди. Глобал сиёсий технологияларнинг ривожланиши глобал муаммоларни ҳал қилиш воситасига айланиб бормоқда;

- глобал сиёсий технологиялар ҳозирги вақтда ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг ажралмас қисмига айланиб бораётган бўлса-да, мазкур йўналишда оид илмий талқиқотларнинг сони ҳам, сифати ҳам, назарий ва методологик жиҳатдан бутунги воқелик талаблари даражасида эмаслигини кўрсатмоқда;

- глобал интеграцион сиёсий технологиялар, глобал муаммолар ва уларга йўналтирилган технологиялар ҳозирги даврда турли сиёсий суъбектлар томонидан қўлланилмоқда. Бу эса халқаро терроризм, экологик таҳдидлар ва турли юқумли касалликларга қарши кураш каби масалаларнинг тўғри ечимини топиш учун хизмат қилмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боёи «**Интернет тармоғида глобал сиёсий технологияларнинг ривожланиши**» деб номланган бўлиб, унда ижтимоий тармоқларнинг глобал сиёсий технология сифатидати аҳамиятига муносабат билдирилган. Ижтимоий тармоқларнинг коммуникатив функциясида келиб чиқиб, сўнгги пайтларда уларнинг аудиторияси кенгайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳозирда «Facebook», «Twitter», «Instagram», «VKontakte», «Одноклассники» каби ижтимоий тармоқларнинг дунё бўйлаб фойдаланувчилар орасида машҳурлигини эътиборга олсак, кенг жамоатчилик бундай катта ҳажмдаги ахборотларни қабул қилиш жараёнида турли манипуляция технологияларининг таъсирига тушиб қолиши эҳтимолидан холи эмас.

Жамият ва давлатчилик тараккиётининг бутунги боқичини замонавий интернет-коммуникация технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Сўнгги йилларда Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар жамият ҳаётининг барча жаҳазлари катори сиёсий муҳит ва жараёнларда ҳам ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлмоқда. Мазкур боёда ижтимоий тармоқларнинг глобал даражада ривожланиб боришига таъсир этувчи омиллар ўрганилган.

XXI асрга келиб, дунёнинг ривожланган (шунингдек, айрим ривожланаётган) давлатларида ижтимоий тармоқларнинг сиёсий жараёнлардаги аҳамияти ортиб бориши билан бир қаторда, ундан сиёсий масалаларда фойдаланиш ҳолатлари деярли бир хил кўриниш олмоқда. Шунингдек, ижтимоий тармоқлар глобал сиёсий инструмент сифатида жаҳон сиёсатида ноз бераётган аксарият жараёнларга таъсир кўрсата олувчи «юмшоқ қуч» геосиёсий концепциясининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда ижтимоий тармоқлардан глобал сиёсий технологиялар сифатида фойдаланиш янада ривожланиб боради. Бу ўринда маълум бир ғоялар ва мафкуралар ортидан эргалиш, оммавий норозиликларни ташкил этиш, оммавий манипуляцияларни амалга ошириш қабиларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Юқорида кўриб ўтилган ижтимоий тармоқларда глобал сиёсий технологиялар истиқболда глобаллашув жараёнининг чуқурлашуви ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланиши таъсирида янада тақомиллашиб боради ҳамда яқин келажақда уларнинг янгидан-янги турлари пайдо бўлишини прогност қилиш мумкин. Шу боис, мазкур сиёсий технологияларнинг ўзига хос жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш жамиятдаги турли бекарорликлар ва миллий манфаатларга эид бўлган ҳолатлар пайдо бўлишининг олдини олишга асосли хизмат қилади. Диссертацияда халқаро терроризм ва диний экстремизм глобал деструктив сиёсий технология сифатида талқик қилинган. Бутунги кунга келиб халқаро терроризм ва диний экстремизм дунё халқларига ҳаф солиб турган глобал муаммага айланган.

Глобал Интернет тармоғи дунёнинг барча давлатларини камраб олди. Интернет тармоғида мобил спутник қурилмалари орқали уланш унинг қўламини янада кенгайтирди. Бу эса иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Кейинги йилларда террористик ташкилотлар ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланишидан унумли фойдаланиб, ўз фаолиятини глобал микёсда тартиб қилиш орқали, ўз сафарини кенгайтириб бораётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. «Facebook» ижтимоий тармоғида террорчилик ташкилотлари аъзолари алоҳида аккаунтлардан фойдаланиб, яқка тартибда диний тарғибот қилиш никоби остида, асосан, диний ва дунёвий билимга эга бўлган ёшларни ўзларига жалб қилиш билан шуғулланаётган бўлса, «Instagram» ижтимоий тармоғида «жонли жиҳодий жараёнлар» фотосуратларидан фойдаланиб, ўз аъзолари сонини ошириб келмоқда. Бу каби муаммоларнинг салбий жиҳатлари тўлиқ асосланди.

Турли сиёсий кучлар шахсий манфаатларининг устуворлигини таъминлаш мақсадида, миллий кадритимиз бўлган ислом динидан «никоб» сифатида фойдаланиб келмоқда. Бу эса, ёшларнинг халқаро террористик ташкилотлар ва диний экстремистик гуруҳлар тавсирита тушиб қолиши учун асос бўлмоқда. Натижада, турли хил ижтимоий муаммолар, давлат ва жамият хавфсизлигига салбий таъсир этувчи таҳдидлар юзата келмоқда.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадал суръатларида ривожланиши диний экстремизм ва терроризмнинг янги шакллари ва кўринишлари пайдо бўлишига, шаклланишига сабаб бўлмоқда. Халқаро террористик ташкилотлар ва диний экстремистик тузилмалар томонидан ёшлар оғига салбий таъсир этишга қаратилган ахборот хуружларининг авж олишида Интернет тармоғи муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, Интернет тизими халқаро террористик, диний-экстремистик ғояларни тартиб қилувчи давлатларни исгалган вақтда, исгалган жойда эшитиш имкониятини яратди. Бу эса, глобал тармок имкониятларига кизикувчилар контингентининг ортishiга олиб келди.

Хозирги даврда дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилоти бўлиб, уларнинг 80 фоизи ислом никоби остида фаолият юритида. Улар қаторига «ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати)», «Жабха ан-Нусра», «Ансару аш-Шам» (Сурия), «ал-Қоида», «ал-Жиход ал-Исломий», «ат-Тақфир ва-л-Хижра» (Миср), «Абу Сайф» (Филиппин), «Озод Ачеҳ», «Лашкари жиход» (Индонезия), «Қуролли исломий ҳаракат» (Жазир), «Боко харам» (Нигерия), «Ислом жиходи улоҳмаси», «Ўзбекистон исломий ҳаракати» (Афғонистон, Покистон)¹, Хезболла, Ансар ал-Ислом, Ансар ал-Сунна, «Тавҳид ва жиход қатбиаси», «Қотибатул Имом-ал Бухорий» ва бошқа ташкилотларни қиритиш мумкин. Бу ташкилотлар ўзларининг террористик мақсадларини амалга ошириб келмоқдалар ва улар халқаро террористик ташкилотларга айланди.

Хулоса қилиш мумкинки, радикал субъектлар томонидан илгари сурилаган террористик ғоялари ва уларни амалга оширишдаги жинсий ҳаракатлар турли ижтимоий-сиёсий институтларга, сиёсий жараянларга, давлатларнинг миллий хавфсизлигига, ҳатто глобал ривожланишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотда глобал сиёсий ҳаракатларнинг миллий хавфсизликка таҳдиди масаласи ҳам асосли таҳлил қилинган. Глобал сиёсий технологияларнинг энг муҳим ва ўзига хос жиҳати шундаки, улар ўзида кенг географик ҳудуд ва бир неча мамлакатлар аҳолисини бирлаштириб турувчи омиллар, шарт-шароитлар ва вазиятлар орқали амалга оширилади. Бунга мисол тариксида «араб баҳори» воқеаларини келтириб ўтиш мумкин. Сабаби, сиёсий технологияларни амалга оширишда ахборот коммуникациялари имкониятлари сифатида бир неча давлатларнинг аҳолиси учун умумий бўлган дин ва тил омили ҳисобга олинган.

Сиёсий акторларнинг глобал сиёсий технологиялардан фойдаланишида маданий ва тарихий омил муҳим аҳамият касб этади. Бун қудратли мамлакатларнинг ташки сиёсатида яқол кузатиш мумкин. Масалан, АҚШ ташки сиёсатида инсон ҳуқуқлари, либерализм ва демократия тамойиллари, доллар валютаси; Россия Федерациясининг ташки сиёсатида рус тили, православ черкови, Иккинчи жаҳон уруши ва унда фашизм устидан эришилган ғалаба каби омиллар ушбу мамлакатлар томонидан бошқа давлатларнинг ички ва ташки сиёсатида сиёсий таъсир кўрсатишда глобал сиёсий технологиялар учун қулай шароит яратиб беради. Чунки, қайд этилган омиллар маданий, тарихий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб, дунёдаги муайян давлатлар гуруҳини ўзига боғлаб туради.

Ташки сиёсатда бошқа давлатлар аҳолиси оғига таъсир этиш орқали ўша мамлакатлардаги сиёсий жараянларни ўзгартира олиш асосан қудратли давлатларгагина хос бўлган ҳуқуқиядир. Ушбу ҳолатларда «юмшок куч» ва «сиёсий коммуникациялар» глобал сиёсий технологиялар учун шарт-шароит яратиб берувчи муҳим воситалардан бири саналади.

